



Давлат санъат музейи ва Инак йўли музейи бинолари лойиҳалари намойиш этилди >>> 2 бет



Қурилиш менежменти ва лойиҳа бошқарувида ЖАНУБИЙ КОРЕЯ УСЛУБИ >>> 3 бет



Қурилишда рақамлаштириш нима дегани? >>> 4 бет



“IT-park” технологик саноат зонаси бўлади >>> 4 бет

ЎЗБЕКИСТОН ВУНУОДКОРИ

№ 5 (558) 2022 йил 25 январь, сешанба

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИДАГИ ИМКОНИАТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 январь куни чарм-пойабзал санъатидаги устувор вазибалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бу соҳа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда катта ўринга эга. Сўнги йилларда амалга оширилган технологик янгилаш ва маҳаллийлаштириш натижасида тармоқ сезиларли ривожланди. Масалан, 2017 йилда 760 миллиард сўмлик чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4 триллион 415 миллиард сўми ташкил этган. Шу даврда экспорт ҳажми 105 миллион доллардан 421 миллион долларга етган. Яъни, ишлаб чиқариш қарийб 6 баробар, экспорт 4 баробар ўсган. Тайёр маҳсулотлар улуши ҳам 32 фоиздан 78 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга, ҳали бу тармоқда ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Лекин айрим муаммолар ишлаб чиқарувчиларга қийинчилик туғдиришда. Жумладан, хомашё ҳисобини юритиш тизими йўқ, автоматлашган қушоналар камлиги тери сифати таъсир қилмоқда. Дизайнер, технолог ва малакали тикувчилар, замонавий ускуна, кимёвий восита ва бутловчи қисмлар етишмайди.

Худудлар кесимида айтганда, Бухоро ва Хоразмда йиллик 2 миллион дона тери захираси бўлса-да, уни саноат усулида йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Қашқадарёда йилга 1 миллион 800 минг, Навоийда 700 минг ва Тошкент вилоятида 500 минг дона майда шохли чорва териси умуман қайта ишланмайди. Кўп қушоналар аҳолидан узоқда жойлашгани, маҳаллалар билан боғланмагани сабабли кам қувватда ишланмоқда.

Йиғилишда шу каби муаммоларни ҳал этиб, соҳани тизимли ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Аввало, маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва терини йиғиб олиш бўйича кичик мобил хизматларни йўлга қўйиш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш зарурлиги айтилди.

Мутасаддилар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган жами 421 миллион долларлик 248 та лойиҳа тўғрисида маълумот берди. Давлатимиз раҳбари қорхоналарни ўз вақтида ишга тушириш, шу билан бирга, янги истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бунда маҳаллийлаштириш ва замонавий моделларни ўзлаштиришга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Нукус, Олтинқўл, Шахрихон, Жондор, Наманган, Ургант, Самарқанд, Ангор, Оҳангарон ва Ҳазорасп туманлари, Наманган, Марғилон, Қўқон, Жиззах, Қарши ва Нурафшон шаҳарларида шу тармоққа ихтисослашган 16 та кичик соҳа зонаси

ташкил этилиши белгиланди. Ушбу худудларда инфратузилма барпо этиш учун бюджетдан 90 миллиард сўм ажратилди. Усуналар харид қилиш учун тадбиркорларга 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредит берилди. Умуман, соҳани қўллаб-қувватлашга жорий йилда 60 миллион доллар имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилади.

Бундан ташқари, Қўқон ва Марғилондаги аънаналар асосида, барча худудларда қосибчилик ривожланган маҳаллаларни танлаб, хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Уларга оилавий тадбиркорлик ва уй-жой дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ҳамда солиқ имтиёзлари берилди.

Қайд этилганидек, бу йил чарм-пойабзал маҳсулотлари экспортини 500 миллион доллар, келгуси 3 йилда 1 миллиард 200 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

– Бу жуда катта марра, – деди Президент. – Бу мақсадга эришиш учун бозор ҳам бор, катта миқдорда хомашё ҳам бор, талабгор ҳам бор. Фақат бунинг учун тадбиркорларга барча шароитларни яратиб бериш керак.

Шу мақсадда аввал берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2026 йилгача узайтирилиши белгиланди. Шунингдек, чет эллик мутахассисларни жалб этиш харажатларининг бир қисми қўллаб берилди. Чет элларда улгуржи оғир ва савдо уйлари ташкил қилиш мўҳимлиги таъкидланди, бунинг учун хоржий валютада 3 йилга 4 фоизлик кредитлар ажратилиши белгиланди.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотлари ҳажмида аёллар пойабзали улуши 23 фоиз, болалар пойабзали 8 фоизни ташкил этади, холос. Шу боис бу йўналишни ҳам солиқ имтиёзи орқали рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

– Энг катта масала – мутахассис етишмаслиги. Шунинг учун барча худудлар бу борада аниқ режа қилиб, жойларда кадрларни ўқитиш тизимини йўлга қўйиш керак, – деди Президент.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида замонавий ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш, ўрта бўғин ишчиларини тайёрлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда тармоқ мутасаддилари, ҳокимлар, тадбиркорлар сўзга чиқиб, таклифларини билдирди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

“ОГОҲ ФУҚАРО” платформаси ишга туширилди

Қурилиш вазирлигининг ушбу платформаси ёрдамида ҳар бир фуқаро қурилаётган объектлар ҳақида мустақил тарзда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, объектлардаги қондабузарликларни қайд этиш, фото ҳамда видеоматериаллар кўринишида ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш мумкин. Ушбу платформадан унумли фойдаланиш ва қурилиш-бунёдкорлик ишларига бефарқ бўлманг!



Платформани юклаб олиш учун ҳавола:



Қурилишда барча турдаги лицензияларни олиш online тизимга ўтказилди

Хабарингиз бор, шу кунга қадар, Қурилиш вазирлиги томонидан лицензияларни олиш учун тадбиркорлар узоқ худудлардан келиб, пул ва вақт сарфлаб, қоғоз шаклида қатор ҳужжатлар тақдим этиб, лицензияларни олар эди. Энди вазирлик томонидан бериладиган барча турдаги лицензиялар электронлаштирилган бўлиб, тадбиркорларга масофадан туриб лицензия олиш имконияти яратилди.

Тадбиркорлар хавфи юқори бўлган объектлар ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш, баландликларни саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш фаолиятига доир лицензияларни “license.gov.uz” ахборот тизими орқали олишлари мумкин.

“license.gov.uz” порталига киришган, архитектура-қурилиш бўлимидан қурилиш-монтаж босқичи танланган, шундан сўнг, сўралган маълумотларини босқичма-босқич киритиб

бориш керак бўлади. Ушбу маълумотлар тўлиқ тўлдирилган, ариза кўриб чиқилиши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорда йигим ундирилиши учун инвойс шакллантирилади. Ушбу тўлов амалга оширилган, реал вақт режимида сўровнома вазирликка юборилади.

Янги тизимда аризалар кўриб чиқилгани сабабли йиғимлар ҳамда лицензия беришда давлат божи тўловини амалга ошириш учун реал вақт режимида автоматик тарзда инвойслар шакллантирилади, шунингдек, лицензиялар QR-код қўйилган электрон шаклда расмийлаштирилади.

АДЖУ университети раҳбарияти билан учрашув



Вазирлиқнинг Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва Тошкент шаҳридаги АДЖУ университети раҳбарияти ўртасида архитектура-қурилиш соҳаси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувда томонлар амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурларига амал қилган ҳолда кадрлар тайёрлаш, тажриба ва амалиёт алмашиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ҳорий этиш, лойиҳачи ҳамда мутахассислар малакасини

ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларида фикр алмашдилар. Шу билан бирга, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Англашув меморандумини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 25 январь куни

дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг

30 йиллиги муносабати билан ўтказилган

“Марказий Осиё давлатлари – Хитой”

онлайн саммитида иштирок этади.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан ташкил этилган тадбир кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги 30 йиллик ҳамкорлик янгуллари сарҳисоб қилинади, кўп қиррали муносабатларни янада

ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади ва амалий ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари белгилаб олинади.

Онлайн саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.

“ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ”ДА МАЛАКА ОШИРИШ БОШЛАНДИ

2022 йил 17 январдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ўз бизнесини бошлаш ниятидаги тадбиркорлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қорхона ва ташкилотлар ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамкорлигида “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ҳузурида ташкил этилган “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади.

10 дан ортиқ олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтилари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, жами 72 соатга мўлжалланган курслар модулларга ажратилган ҳолда чуқур малака ва кўникмага эга, фан номзодлари, фан докторлари, профессорлар томонидан олиб борилади. Ўқув курслари “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази аудиторияларида ёки бевосита ўша ташкилот базасида ўтказилиши мумкин. Ўқини муваффақиятли таъминлаган тингловчиларга ўрнатилган тартибда сертификат берилди. Кор-

хона ва ташкилотлар талабидан келиб чиқиб, машғулотлар онлайн шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хабарингиз бор, “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

– Ушбу ўқув маркази қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи учун янги технологиялар, инновациялар ва

инсон омили марказига айланади, – деди “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази директори ўринбосари Адҳам Қувондиқов. – Мутолқо янгилаш тизими асосида ташкил этилган марказ фаолияти натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ниятидаги тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи қорхона ва ташкилотлар ходимлари малака даражасини мунтазам оширадилар.

Марказдаги курслар орқали илғор архитектура ва дизайнлик тамойилларига асосланган “келажак материаллари” номенклатураси кенгайтирилиб, халқаро стандартлар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий этилади. Бўлажак тадбиркорларнинг молия, солиқ, маркетинг ва ҳуқуқий саводхонлиги ошириб борилади. Илғор ва замонавий технологиялар,


ишланмалар, билимлар ва илм фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги тадбиркорлар кашф этилади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қорхоналарида яшил иқтисодиётни жорий этишга кўмаклашилади.

Шунингдек, Туркия (Maltepe university), Германия (Passive House Institute) каби давлатларда яратилган инновацион технологияларнинг Ўзбекистонга трансферини доимий равишда ташкил этиш орқали тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакасини оширилади, янги технологиялар ўзлаштирилади. Энг муҳими, ушбу йўналишлар бўйича “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамкорлигида барча зарурий чора-тадбирлар давомли тарзда амалга оширилади.

Давлат санъат музейи ва Ипак йўли музейи биолари лойиҳалари намойиш этилди

Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бир пайтлар виртуал кутубхона ҳақида мақола ёзганим. Унинг анъанавий кутубхоналардан фарқли жиҳатларини ўрганган эканман, қачондир бизда ҳам шундай кутубхоналар бўлармикан, деб ўйлаганим рост. Мана, бугун юртимизда нафақат кутубхоналардаги китобларни виртуал равишда ўқиш, балки музей экспонатларини ҳам томоша қилиш имконияти мавжуд. Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Давлат санъат музейининг янги биноси лойиҳаси ва Самарқанддаги Буюк Ипак йўли музейининг дастлабки концепцияси тақдим этилди.



ҳаларини ишлаб чиқаятганда энг аввало, энергия-тежамкорликка аҳамият берилляпти. Хар бир лойиҳа ечимини энергиятежамкорлик асосида, бинони иситиш, совутиш, экспонатларни сақлашдаги талаблар эътиборга олинган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Давлат санъат музейи янги биносининг тўлиқ тақдимоти 2022 йил апрел ойида намойиш этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, тақдимотда Самарқанд шаҳрида "Буюк Ипак йўли" музейини бунёд этиш лойиҳаси ҳам намойиш этилди. Лойиҳа Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бошличилигида Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилляпти. Мазкур лойиҳанинг дизайн концепциясини яратишда Жамғарма Германиянинг "ATELIER BROOKNER GmbH" бюроси ҳам ҳамкорлик қилляпти.

Буюк Ипак йўли музейи Самарқанд шаҳри марказида – Университет бульвари ва Бобур Мирзо кўчаси ўртасида жойлашган. Тақдимотда айтилишича, янги музейда интерактив технологиялар билан артефактлар бирлаштирилади. Ўзбекистонда бундай замонавий музей ҳозирча йўқ бўлиб, дунёда ҳам санокли жойларда мавжудлиги таъкидланди. Янги музей илк тажрибамиз бўлиши кутиммоқда. Қолаверса, бу объект ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан келишган ҳолда амалга оширилади.

"Atelier Brückner" меъморчилик бюроси – бу халқаро даражадаги кўргазма ва музейлар дизайнларини яратишга ихтисослашган бўлиб, 200 дан ортик турли совинларни кўлга киритган. Амстердамдаги Миллий денгиз музейи, Мюнхендаги БМВ музейи, Женевадаги Этнография музейлари уларнинг муваффақиятли лойиҳалари рўйхатидан жой ағаллаган.

Дастлабки дизайн концепциясига кўра, қайтадан қурилиши режалаштирилаган музейнинг ташқи кўриниши силлиқ ипак тасма шаклида бўлиб, Ипак йўлини эслатади ва бутун бино бўйлаб акс этиб, марказий майдонини пандус кўринишида кесиб ўтади. Бинонинг биринчи қавати марказида Самарқанд шаҳри тасвири намоеъ бўлади, том қисмида эса – барча қаватлардан кўриниб турувчи ландшафт элементлари намоеъ бўлади. Шунингдек, бинонинг бармоқларини эслатувчи узига хос майдони кўргазма экспозицияларини яратиш учун қулай шароит билан таъминляпти.

Концепцияга кўра, бино пастки қаватининг қўшимча майдонлари юқори қаватдаги кўргазмага олиб борувчи марказий пандуслар билан боғланади ва галереялар уч тематик зонага ажратилади. Илм-фан ва маданият, йўналиш ва ландшафт, экспорт ва импорт. Ушбу зоналар ўртасида Самарқанд шаҳри маркази – маданиятларо кесимша акс этади ва бу ердаги катта доира витрина катта коллекцияларни намойиш қилиш имконини беради. Музей фасадининг чизмаси шундай тусилганки, бинонинг марказий қисми томдаги катта дераза туфайли кўпроқ ёритилади, учта қанот эса аксинча бироз қоронғулаштирилган бўлади.

Жамғарма музей дизайни концепциясини ишлаб чиқишда инклюзив муҳитни таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, меҳмонларнинг қулайлиги учун музейда кўрсаткичлар ўрнатилган, рақамли ва меъморчилик дизайнига узига хос равишда ёндашилган.

Шунингдек, музей майдонидан янада самарали фойдаланиш мақсадида унинг том қисмида дам олиш учун, шу жумладан, меҳмонларнинг утириши жойларини кўпайтириш, болалар майдони ва боғ қисмини кенгайтириш кўзда тутилган. Энг асосийси, қурилиш майдони атрофидаги дарахтларга зиён етказмаслик мақсад қилинган.

Мазкур лойиҳа ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси кўмитасига мувофиқлаштириш учун киритилди, зеро объект қурилиши режалаштирилган ҳудуд Самарқанднинг ЮНЕСКО рўйхатидан ўрин олган тарихий қисмида жойлашган.

– Ҳозирча Ўзбекистонда Буюк ипак йўли тарзини тўлиқ кўрсатиб берувчи маскан йўқ бўлиб, музейнинг айнан Самарқандда ташкил этилиши жуда тўғри қарор, – дейди деди "Atelier Brückner" бюроси бошқарув ҳамқори Эберхарт Шлаг. – Ушбу лойиҳада ҳам иштирок этаётганимиз бизга гурур бағишляйди. Музейдаги намуналар намойишида томошабин тўлиқ маълумотга эга бўлиши учун мультимедиа технологияларини ўрнатишни режалаштириляпти. Қолаверса, Ўзбекистоннинг санъат ва маданияти тақдорланмасдир. Шу боис, объектлар қурилиши ва дизайнида миллий анъаналарни акс эттириш, санъат асарларини халққа замонавий кўринишда тақдим этишни мақсад қилганмиз.

Когон кўркига кўрк кўшаётган биолар

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кўҳна ва ҳамisha навқирон Бухоро вилояти ҳам республикамизнинг бошқа ҳудудлари қаторида йил сайин жадал ривожланиб, янада кўркамлашмоқда. Барча соҳалар билан бирга уй-жойга муҳтож оилаларнинг эҳтиёжини қондириш борасида кейинги даврида вилоят қурувчилари катта тажриба тўплаганини туман ҳамда шаҳарларда қад ростлаётган замонавий иншоотлар мисолида кўриш мумкин.

Когон шаҳри ва тумани ҳам иқтисодий ҳамада бошқа томонлама вилоятнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ҳудудлар сирасидан. Когондаги ижтимоий инфратузилма масалалари кўп даврлар эътибордан четда қўлиб келган ва аҳолининг талаб-эҳтиёжлари, айниқса, турар жой билан боғлиқ долзарб масалаларга аҳамият берилмагани туфайли деярли бирорта ҳам кўп қаватли уйлар қурилмаганди. Бугун юртимизда ўтказилаётган ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган маҳалла ёки ҳудуддаги ўзгаришлар мисолида кўриб, юракдан ҳис қилмоқда.

Чунончи, Когон шаҳрида сўнгги даврда ўнлаб кўп қаватли биолар, янги мактаб ва болалар боғчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар таркибидаги маҳаллаларнинг барчаси замонавий қайта қурилиб, фуқаролар учун зарур шароитлар яратилди. Айниқса, асосий йўллар қаторида уйдим-чуқур холга келиб қолган ички кўчаларга асфальт ётқизибли, ичимлик суви ҳамда электр таъминоти талаб даражасига келтирилди. Буларни кўрган киши Когон шаҳрини Бухоронинг ҳақиқий пойи остонаси бўлганини ҳис қилиши турган гап.

Шу сингари шаҳар билан туташиб кетган Когон тумани фуқаролари ҳам бундай янгилишларни кўриб дилдан шодланишмоқда. Масалан, туманнинг маъмурий марказига айланатирилган "Сухор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда биргина яқунланган йилда 21 миллиард 105 миллион сўм ҳисобига 6 та, жами 140 та хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли турар жойлар бунёд қилинди. Барчасининг

ён-атрофида замон талаби даражасидаги инфратузилма шакллантирилиб, болалар учун спорт майдончалари қурилган. Бундан ташқари, давлат дастури доирасида "Аёллар дафтари" рўйхатида турган хотин-қизларни доимий меҳнатга жалб қилиш мақсадида иччам ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, ҳозирги кунда юзлаб кишиларнинг доимий бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан "2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилингани бу ерда бошланган ишларни изчил давом эттиришга дастуриламал бўлмоқда. Жорий йилда маҳалла ҳудудида янги лойиҳалар асосида яна 23 миллиард 220 миллион сўмлик 6 та замонавий турар жой, икки ва уч хонали, энергия тежамкор 5 қаватли уй-жой қурилиши аллақачон ҳамада бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, соҳада катта тажриба тўплаган. Айни дамда мазкур маҳаллада бунёд этилаётган 3 даҳилзали 5 қаватли замонавий бинони сифатли қуришда ҳам жамоа фойдоилик кўрсатмоқда. Бинони кўтаришда кўлланилаётган барча материаллар асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган ва улар иссиқ-совуққа, эиализмага бардошли.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, фойдаланишга топширилаётган уйлар 20 йил муддатга ипотека кредити асосида, уй нархининг 10 фоизи бошлангич тўлов бадали асосида расмийлаштирилиб берилаётган фуқароларга маъқул келяпти. Бундан ташқари, туманнинг "Беклар" маҳалла фуқаролар йиғини тасаруфидида бўш ётган 50 гектар ер майдонида ҳам яқин орада 10 та 5 қаватли, ҳар бири 20 та хонадондан иборат энергия тежамкор биолар қурилиши бошланиши режалаштирилган. Уларга қўшимча умумтаълим мактаби, оилавий шифокорлик пункти ҳамда бошқа кўплаб объектлар ҳам бунёд этилади.

Сирасини айтганда, бугунги кунда туман ва шаҳар қиёфаси тубдан ўзгаришлар жараёнига кирган. Аҳоли ислохотлардан баҳра олиб, ўзлари ҳам худудини янада ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшишга интилишмоқда.

ХУДУДЛАРДАН ДАРАҚЛАР

Самарқанд вилояти

Шакли ҳам, мазмуни ҳам янгиланмоқда

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанддаги вилоят музыкали драма театри ўтган асрининг олтинчи йиллари ўртасида қадимий кентнинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Орадан ўтган ярим асрдан зиёд вақт давомида сеvimли кошона аича уриниб қолгани, оҳори тўкилиб, таъмирталаб бўлгани аниқланди. Шу сабабли Маданият вазирилик мутахассислари бинони тўлиқ қайта реконструкция қилиш лозим, деб топдилар.

Айни пайтда театрнинг шаклини, ҳам мазмунини бутунлай янгилаш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Махсус лойиҳа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тендерда голибликни эгаллаган "Самтехностройинвест" МЧЖ қурувчилари зиммасига юклатилган. Самарқанддаги қатор маданий-маърифий объектларни бунёд этиш ва таъмирлашда қатнашиб, малака эгаллаган аҳил жамоа бу ерда ҳам ўз маҳор

рати ва тажрибасини яққол намойиш этаётганили диққатга сазовор.

– Маданият вазириликнинг маблаг бўйича қайта таъмирланаётган театр яқин орада ўзгача қиёфа касб этиши шубҳасиз, – деди жамият иш юритувчиси Наврўз Сафаров. – Чунки бу самарқандлик саҳна муҳлислари, қолаверса, шаҳар меҳмонларининг энг гавжум масканларида бирига айланиши учун астойдил ғайрат кўрсатяптимиз. Масалан, театр акустикасини яхшилаш мақсадида мутахассисларимиз Остона шаҳрига бориб илғор тажрибани ўзлаштириб қайтидилар. Айланадиган саҳна ўрнатишни ҳам хориждан ўрганиб келдик. Театр биноси ташқи деворларини эса мустақкам ва бежирим ҳисобланган травертин қопламаси билан безаяпмиз. Муҳими, барча ишларни ёш, изланувчан ишчи-хизматчиларимиз уддалаётганини таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, замонавий ва муҳташам бинони шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бунёдкорлар билан бир қаторда актёрлар жамоаси ҳам анъанага мос равишда янги саҳна асарини яратиш устида жиддий қадам ташлашган.

Янги йил – янги уйда

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада Самарқандда ҳам кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Янги йил байрами кунларида Ургутнинг олис тоғ ҳудудида қурилиб, фойдаланишга топширилган кўп қаватли уй фиркиннинг исботидир. Ҳарбий хизматчилар учун мўлжалланган муҳташам кошонада ҳамма шароитлар муҳайё этилган.

Бундан ташқари, Самарқанд ту-

манининг Пулимўғоб маҳалласида 12 хонадонли уй-жойнинг фойдаланишга топширилиши қувончли воқеага айланди. Чунки давлатимиз раҳбарининг "Етим болалар ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бир гуруҳ тadbиркор ва саховатли кишилар ташаббуси билан мазкур уй-жойнинг қад ростлаганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Муҳими, замонавий уйлар боқувчисини йўқотган хотин-қизлар ва меҳрибонлик уйлари тибтирувчиларига ажратилди.

Жиззах вилояти

Ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун мамлакатимизда инсон, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Бунинг Жиззах вилоятининг чекка ҳудудларида олиб борилаётган кенг ислохотларда ҳам кўриш мумкин. Халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган ишларнинг бир қисмини Шароф Рашидов туманида кўриш мумкин.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Бобур филиали узоқ йиллар эътиборсизлик сабаб таъмирта-

лаб ҳолга келиб қолган эди. Тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор сабаб ушбу маскан 22-сонли поликлиника сифатида қайта таъмирдан чиқарилиб, имкониятлари тамоман янгиланди. 3 млрд 200 млн сўм маблаг эвазига барча зарур жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт маскани Бобур, Қораёнтқоқ, Файзобод маҳаллалари билан бирга Оқтош ота номли, "Туёқли" МФИдаги 20 мингга яқин аҳолига сифатли хизмат кўрсатадиган бўлди.

Мазкур касалхонага янги мебель жиҳозлари, чой-шаблар жамланмаси, лаборатория жиҳозлари, ультра товуш текширув аппарати, физиотерапия, стоматология ва яна бир қанча янги тиббий асбоб-ускуналар туман ҳокимлиги томонидан ажратилган маблаг эва-

зига олиб келинди. Янгиланган саломатлик масканида 15 нафар малакали врач, 103 нафар урта тиббиёт ходими, 25 нафар кичик тиббий ходим ва 16 нафар бошқа ходимлар фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, туманда болажонлар учун ҳам яхши шароитлар яратилиб, замонавий кўриниш касб этган мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилляпти. Мисол учун, ҳудудда 48 та МФИлар мавжуд. Булар сафига "Янги обод" МФИда жойлашган 18-сонли болалар боғчаси ҳам замонавий таъмир ва жиҳозлар билан қўшилди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида "Қангли" МФИнинг янги биноси фойдаланишга топширилгани айтиб ўтиш мумкин.

Навоий вилояти

Кўчаларга фaйз киряпти

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қиш мавсуми қишлоқларда айрим муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Ёгингарликлар сабаб шалоббо бўлган лой кўчалар тирикчилик ваҳидан кўчага отланган аҳоли учун ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.



Айни кунларда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида ички йўллارни таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ маҳаллаларда бў-

либ, манзиллардаги муаммолар билан танишмоқда, аҳоли муаммолари, ижтимоий объектлар ҳолати ўрганиляпти. Аниқланаётган камчиликлар зудлик билан бартараф этилмоқда.

Қашқадарё вилояти



Ҳарбийларга байрам тухфаси

Шухрат НОРМУРОВОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда Ватан ҳимояси хизматига ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини катта шодийналар билан ўтказилади.

Бу эътибор масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматларини юқори баҳолашини намоеъ этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига ҳам куч-қувват, шижоат ва албатта, юртга садоқат бағишляйди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббу-

сига кўра, юрт посбонларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасидаги ишлар давом этмоқда. Жумладан, Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида ҳам ҳарбийлар учун ҳар бири 96 хонадонга мўлжалланган 2 та кўп қаватли хизмат уйлари фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали очилиш маросимида Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари, Нишон тумани ҳокимлиги ва ОАВ вакиллари, фахрийлар ҳамда ёшлар иштирок этишди. Айтиш мумкинки, замонавий қурилган бу хонадонлар ҳарбийлар учунгинакам байрам тухфаси бўлди.

Қурилиш менежменти ва лойиҳа бошқарувида ЖАНУБИЙ КОРЕЯ УСЛУБИ

Шерзод СОДИҚОВ,
Сеул университети магистри.



Қурилиш менежменти ва лойиҳа бошқарувини ривожлантириш – нафақат қурилиш объектларини сифатли ва муддатда топшириш, индивидуал жавобгарлики белгилаш асоси, балки қурилиш хизматлари экспортининг муҳим омили ҳамдир. Иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмларининг ўсиб бориши қурилиш-пудрат ташкилотларининг қувватларини янада ошириши ва уларнинг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириши тақозо этади.

Пудрат ишлари ихтисослаштирилган хизмат тури ҳисобланиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ уларнинг фақат айрим турлари жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мумкин. Аксарият пудрат ишларига, жумладан, давлат буюртмаси асосидаги қурилиш (реконструкция қилиш, таъмирлаш)ларга давлат харидлари асосида юридик шахслар жалб қилинади.

Ўзбекистонда лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёни 2003 йилда бошланиб, шу йили капитал қурилишда жорий шартномавий нархларга ўтилди ҳамда объектлар қурилиши фақат танлов (тендер) савдолари асосида, шартнома тузган ҳолда, ишларни тўлиқ бажариш шарти билан амалга оширилиши белгиланди.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил давомида давлат харидларининг 40,8%, яъни, энг катта қисми қурилиш ва реконструкция ишларига тўғри келган. Бугунги кунга қадар объектлар қурилишини давлат харидлари қонунчилиги асосида амалга оширишда қурилиш сифатсиз бажариш ва белгиланган муддатда ёки умуман фойдаланишга топширмаслик хавфи сақланиб қолмоқда.

Жумладан, 2020 йилдаги давлат дастурларига мувофиқ, 2 481 та ижтимоий соҳа бўйича қурилиш объектлари назарда тутилган бўлиб, шундан 435 таси пудрат шартномасида белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаган. Объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари жараёнида камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 6 344 та ёзма кўрсатмалар берилган (шундан, 4050 та қурилиш-пудрат ташкилотларига, 1556 та буюртмачиларга, 738 та лойиҳа ташкилотларига).

Республика ҳудудларида йirik қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш мақсадида 2014 йил 3 мартда Президентнинг махсус қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ, 2016 йилга қадар 88 та ихтисослаштирилган йirik қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ушбу қарор билан Комплекс

қурилиш пудрат ташкилоти ва ихтисослаштирилган қурилиш пудрат ташкилотининг намунавий ташкилий тузилмалари тасдиқланган (2, 3-расмлар). Ушбу намунавий тузилмага кўра, бажариладиган қурилиш-пудрат ишларининг ихтисослашуви ва ҳажмидан келиб чиқиб, 70 дан 400 нафаргача, жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари 20 дан 30 нафаргачани ташкил этиши кўзда тутилган.

Бугун қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингига кўра, республикада мавжуд жами қурилиш-пудрат ташкилотлари 46 077 тани ташкил этади. 2020-2021 йиллар давомида қурилиш соҳасидаги давлат харидларида шулардан бор-йўғи 7,5 мингдан ортиғи иштирок этган. Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш мезонларига мувофиқ, пудрат ташкилотларининг кадрлар сийсати асосий кўрсаткичларини ташкил этганлигини кўриш мумкин. Рейтингга кўра, кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришиш ташкилотларнинг салоҳияти ва малакаси, уларда мавжуд мутахассисликлар коди бўйича раҳбар, муҳандис-техник, техник ишлаб чиқариш, сифат назорати ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар ва қурилиш объектларидаги ходимлар сони ва малакасига қараб баҳоланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юқорида қайд этиб ўтилганидек, хусусийлаштириш жадаллашган йиллардан бошлаб пудрат ташкилотлари асосий эътиборни кадрлар сийсатига қаратмаган. Бу эса нафақат қурилиш менежментининг сусайиб кетишига, балки соҳада малакали кадрлар етишиб чиқмаслиги ва бозорда рақобатбардос пудрат ташкилотлари шаклланишига сабаб бўлди. Оқибатда маҳаллий қурилиш бозорига белгиланган мезонларга жавоб бера олмайдиган қурилиш-пудрат ташкилотларини халқаро бозорга олиб чиқиш ҳақида уйлашнинг ўзи ноўринлиги маълум бўлди.

Қурилиш хизматларининг экспорти давлат иқтисодиёти тараққиётининг асосий омилларидан бири эканлигини кўпгина ривожланган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Шу ўринда Жанубий Корея Республикасининг қурилиш-пудрат ишлари бозори ва қурилиш ишлари экспортини мисол келтиришни маъқул деб топдим.

1960 йилларнинг ўрталарида Жанубий Корея Республикасида sanoatни кенгайтириш ишлари бошланган. Ушбу даврда ноқ қурилиш sanoati Корея учун муҳим маҳаллий ва экспорт sanoati бўлади, деб ҳисобланади, бунга асосий иқтисодий ҳаракатлангириш ҳамда хоржий валюта ва кўринмас экспорт тушумларининг муҳим манбаи сифатида қаралган. Корея Қурилиш Ассоциацияси маълумотларига кўра, мамлакатнинг қурилиш билан боғлиқ sanoati, жумладан, давлат ва хусусий инфратузилма ва қурилиш муҳандислик хизматлари 2019 йилда 148 миллиард доллар даромад келтирган (1-расм).

Кореялик қурувчи "Hyundai E&C" 1965 йилда Таиланд ҳукумати билан келишилган 5,2 миллион долларлик шартнома асосида Таиланднинг Паттани ва Наративат шаҳарлари ўр-тасида 98 километр узунликдаги икки қаторли автомобиль йўлини қуриш орқали хоржидаги қурилиш лойиҳаларини кенгайтирди. 55 йил ўтгач, Кореянинг хоржидаги қурилиш шарт-номаларининг умумий қиймати 848 миллиард доллардан ошди, бу асосан Яқин Шарқ ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги қурилиш буми билан боғлиқ.

Корея қурилиш фирмаларининг 2019 йилдаги умумий даромадининг тахминан 13 фоизи хоржидаги хизматлардан келиб тушган. Корея хоржидаги лойиҳалардан тушумларини оширишга катта эътибор беришда давом этмоқда. Бугунги кунда Жанубий Кореяда рақобатбардос нархларда технология ва хизматларга эга компаниялар бозорга лойиҳа бошқаруви (Project management (PM), лойиҳани молиялаштириш (Project financing), қурилиш маълумотларини моделлаштириш дастурий таъминоти (Building Information Modeling (BIM) software) жорий қилиш орқали муваффақиятли кириб бориш имконияти сифатида қарайди.

Ўзбекистонда амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат дастурларида қурилиш объектларининг бошланғич нархлари ҳисоблашда урғача статистик кўрсаткичлардан келиб чиқиб, 20-22 фоиз миқдорда "Пудратчининг бошқа харажат-

лари" инобатга олинади. Аксарият қурилиш-пудрат ташкилотлари қурилиш жараёнида ушбу йўналишда назарда тутилган меъёрлардан камроқ харажат қилишдан асосий мақсадни қурилиш объектнинг ҳақиқатда таннархини пасайтириш ва кўпроқ иқтисод қилишга эришиш деб ҳисоблайди. Жумладан, солиқ тўловларини камроқ тўлаш учун ҳам ушбу харажатлардан иқтисод қилишни сабаб қилиб келтирадilar.

Бугунги кунда қурилиш-пудрат ташкилотларида маъмурий бошқарув ходимлари ва қурилиш объектида ишлаётган ходимларини ишга норасмий жалб қилиш ҳамда улар меҳнатига шартномасиз тўловларни амалга ошириш асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Қурилиш ташкилотларида уларнинг асосий фаолиятини ўзлари кузатиб боришлари, бунда оралик ва якуний натижаларни прогноз қилиш имконини берувчи, жумладан, ҳисоб-китоб ва қурилиш ишлари бўйича инсон омили ёки дастурий таъминотлар ёрдамида тизим яратилмаган. Умуман, қурилиш объектларида муносабатлар ва мажбуриятларни рақамлаштириш ҳақида фикр юритишнинг ўзи мушкул. Оқибатда қурилишнинг барча босқичларидаги сифатсиз бажарилган ишлар (жумладан, иқтисодий мажбуриятлар) ва шу каби камчиликлар учун фақат корхона раҳбари ёки таъсисчилари жавобгар шахс сифатида жазоланмоқда. Бунда гап фақат моддий манфаатдорлик ёки бир марталиқ жазо ҳақида эмас, балки қурилиш-монтаж ишларининг оралик босқичларида ишларни муддатда бажариш ва қабул қилиш, белгиланган сифатларни қонуний талаб қилиш ҳақида ҳам бормоқда.

Бундан ташқари, амалдаги шартномаларда ишларни бажариш графигини қурилиш босқичлари, иш турларига бўлиб кўрсатилмаслиги ёки шартнома асосида қурилиш объекти бўйича алоҳида буюртмачи ҳамда пудрат ташкилоти ўртасида тармоқ жадвали (йўл харитаси) тасдиқланмаслиги, қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаслик ҳолатлари ҳам сифатсиз иш натижаларининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу ҳолат лойиҳа асосида ойма-ой қурилиш-монтаж ишларини қабул қилишнинг қонуний талабини ўрнатилмаган буюртмачида асос мавжуд эмаслигидан далolat беради.

Қайд этиб ўтиш лозимки, қурилиш менежменти ва лойиҳа бошқарувида ўхшаш бошқарув тушунчалари ва усулларидан фойдаланилсада, улар сезиларли даражада фарқ қилади.

Қурилиш менежменти – қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш лойиҳалари ва қурилишни ташкил этишни бошқаришни англатади. Қурилиш менежери (қурилиш усули, усуналарга техник хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари, харажатларни назорат қилиш бўйича мутахассис) лойиҳалаш ва қурилиш бошқариш учун профессионал хизмат кўрсатади. Лойиҳа бошқаруви – лойиҳалаш ва қурилишни бошқаришда инвестор ва буюртмачига, унинг архитектор ва муҳандисларига ёрдам бериш учун профессионал хизматдир.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш-пудрат ташкилотларини барқарор ривожланишининг асосий омиллари уларда лойиҳа бошқарувини тақомиллаштириш ва кадрлар сийсатига асосий эътиборни қаратишдир. Бунда, қурилиш-пудрат ташкилотлари қуйидагиларни замонавий дастурий таъминот (рақамлаштириш) орқали жорий қилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳасини (жумладан, ишларнинг умумий журнали, махсус журналлар, ишни олиб бориш ҳақида маълумотлар, объект қурилишида банд бўлган техник-муҳандислар рўйхати, муҳим конструкциялар ва яширин ишларни гувоҳлаштириш оралик қабул қилиш далолатномалари, операция назорат ва қурилиш-монтаж ишларининг сифат баҳоси ведомости ва назорат хизматлари ва органларнинг фикр-мулоҳазалари) юритиш; пудрат шартномалари ёки ички нормативлар асосида мажбуриятларни бошқармалар, бўлимлар ва ходимлар кесимида тақсимлаш;

ҳар бир қурилиш объекти учун қурилиш ишларининг босқичлари, ҳажмлари ва масъулларини аниқ белгилаб, тармоқ жадвалларини тасдиқлаш; объект билан боғлиқ ҳисоб-китобларни (жумладан, харажатлар, ишлар (хизматлар) ҳажми прогнози, қурилиш ресурсларини нархи, харидлар режаси ва ҳоказо) юритиш.

Энг асосийси, қурилиш объектларига маъмурий бошқарув ва ёлланма ходимларни фақат меҳнат шартномаси тузиш орқали жалб қилишни ташкилотнинг қатъий ички сийсати сифатида белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишонч билан айтиш мумкинки, қайд этиб ўтилганларни амалга ошириш: қурилиш-пудрат ташкилотларининг объект билан боғлиқ кичик муаммоларини катталашиши, шунингдек, муносабатлар ва ҳолатларнинг келгусидаги ёмон оқибатларини (расмий мажбуриятсиз ходимлар, етказиб берувчилар билан ноўрин харажатлар, маблағ танқислиги ва шу кабилар) олдини олишга; қурилиш-пудрат ташкилотларининг барқарор ривожланишига; қурилиш объектларини сифатли ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишга; қурилиш-пудрат ташкилотларининг маҳаллий (жумладан, қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига) ва халқаро қурилиш бозорига муносиб даражага кўтарилишига; келгусида қурилиш ишлари (хизматлари) экспорти имкониятини яратилишига; қурилиш соҳасида малакали кадрларни етишиб чиқишига; қурилиш соҳасида яширин иқтисодиёт даражасини ва норасмий ёлланма ишчиларнинг қисқартиришига ижобий таъсир кўрсатади.

1-расм



2-расм



3-расм



Ходимларнинг умумий сони бажариладиган қурилиш-пудрат ишларининг ихтисослашуви ва ҳажмига боғлиқ бўлиб, 70 нафардан 400 нафаргача, шу жумладан маъмурий-бошқарув ходимлари – 20 нафардан 30 нафаргачани ташкил қилади.

ПРИГЛАШАЕМ

на участие в открытых аукционных торгах!

На открытые аукционные торги, проводимые в порядке пошагового повышения цен в 10.00 28 февраля 2022 года, ГП "Хозрасчётный отдел по медосмотрам при Главном Управлении Здравоохранения" **выставляется нижеперечисленные основные средства как имущественный комплекс:**

кондиционер колонного типа "Hoffman 24" 2 штуки;
кондиционер сплит система "Hoffman 12" 1 штука;
кондиционер "Montana ART-12HM" 1 штуки;
ледогенератор "ICEMANACING MACHINES CS35 M AX" 1 штука;

кондиционер зима-лето "Inverter ASW H12A4/DBR1", "GWH12ACB-K", "MSR-12HRION" 4 штуки;
кондиционер колонного типа "TCL 12" 2 штуки;
кондиционер марки "AUX 18 FFR" 1 штука;
беговая дорожка 1 штука; велотренажер 1 штука;
телевизор "ARTEL Full HD 4K" 55 дюймов 1 штука;
телевизор "ARTEL Ultra HD Direct LED" 40 дюймов 1 штука;

кондиционер 12 зима-лето "Inverter" тип хладагента "R410A" 2 штуки;
холодильник "LG F442H" 1 штука;
термостат электрический суховоздушный "ТС-1/80 СПУ" 1 штука;

гинекологическое кресло 2 штуки;
электрокардиограф "BTL-08 SD" 2 штуки;
электрокардиограф 3/12 канальный "Heart Screen 80-GL" 3 штуки;

кондиционер колонного типа "Sinotrik" 1 штука;
кондиционер зима-лето в сборе "ROWAR 12" 2 штуки;
кондиционер "TCL 12" 3 штуки;
медицинский манипуляционный столик 1 штука;
принтер "МФУ 3/1 Canon" 10 штук, принтер "Canon I-Sensis MF421dw" 1 штука;
принтер "Epson L3150" 1 штука;
шкаф металлический сейф ШК №2.

Стартовая сумма – 110 343 712 сум.
Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 10.00 до 16.00 по адресу: город Ташкент, улица Х. Алимджана, 13"А".

Прием заявок после заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до аукционных торгов в 10.00. Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней.

Повторные аукционные торги будут проводиться каждый понедельник в указанное выше время по вышеуказанному адресу.

Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 1 000 000 сум.

Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости имущества комплекса на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах регистрационный договор и дату задатка.

Реквизиты: ООО "AUTO TRADE COOPERATION" p/c 2020 8000 5050 1568 5001 в АКБ "InFinBank" МФО 01041 ИНН 302 477 464.

Телефон: 95 193-74-96.

Свидетельство № 005148.

"Mulk o'Imas sarmoya" МЧЖ

аукцион савдога таклиф этади!

2021 йил 24 февраль кунни соат 10.00 дан жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилди:

1. Қашқадарё вилояти Бош тиббий меҳнат эксперт комиссиясига қарашли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, двигатели рақами 9131500151, кузов рақами KL1GA69U9DB060128, давлат рақами 70 055 VAA бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги "Малибу ГБА СН" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 72 380 000 сўм.**

2. "Ko'kdumaloq-Gaz" МЧЖ Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасига қарашли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, двигатели рақами 9131500151, кузов рақами KL1GA69U9DB060128, давлат рақами 70 055 VAA бўлган, техник таъмирталаб ҳолатдаги "Малибу ГБА СН" русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 72 380 000 сўм.**

Ариза қабул қилиш тартиби: аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетда эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар кунни, дам олиш кунлари (шанба ва яшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача "Mulk o'Imas sarmoya" МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш 2022 йил 23 февраль кунни соат 17.00 дан тўхтатилади. Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2022 йил 3 ва 10 март кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Заказат пулини тўлаш учун рекузитлар: "Mulk o'Imas sarmoya" МЧЖ, ҳисоб рақами 2020 8000 8045 9352 0001 "Ипотека-банк" АТИБ Қарши шаҳри филиали МФО 00190 СТИР 300 201 778 ОКОНХ 83300.

Манзил: Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси.

Мўлжал: "Ucell" компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

Телефон: 99-505-50-40.

0000195 рақамли гувоҳнома.

Тузатиш

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2022 йил 14 январдаги 2-3(555-556)-сонида чоп этилган "Respublika mulk markazi" МЧЖ томонидан берилган аукцион савдосидаги эълон:

"Аукцион савдога "Hududgaz Toshkent" gaz ta'minoti filialining 2022 йил 13 январдаги 38-01-21-03/174-сонли буюртманомасига асосан, Ташкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Спорт кўчаси, 37-А" уйда, шунингдек, автототранспорт бириктирилган "Hududgaz Toshkent" gaz ta'minoti filiali тасарруфидеги туман (шаҳар) газ таъминоти бўлими манзилларида сақланаётган, аукцион савдо кунлари ҳар 7 кун оралиғида 50 фоизга тушунга қадар 10 фонздан пасайтирилиб очик аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда" деб ўқилсин.

Қурилишда рақамлаштириш НИМА ДЕГАНИ?

Соҳаларни рақамлаштириш икки томонлама хизмат кўрсатишнинг замонавий кўринишидир. Хусусан, давлат хизматларини амалга оширишда давлат ва фуқаролар муносабатларини тартибга солишнинг электрон ҳужжат алмашинуви шакли инсон омили таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Қурилиш соҳасида ҳам шундай интерфаол усуллар кенг қўлланилмоқда.

Илгари иш фаолиятимизни қонунийлаштиришда қандай усуллардан фойдаланар эдик? Бирор тadbиркорлик тури ёки қурилиш ишлари билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, ер ажратиш, кредит ҳамда махсус давлат платформаларида рўйхатдан ўтишда навбатларда турар ва оқибатда почта орқали ўзаро алмашиладиган ҳужжатларнинг ҳулоасини кутишга мажбур бўлинар эди. Ўз навбатида, давлат тизими ҳам шундай объектив аънаналарга асосан иш тутарди.

Бугун фуқаролар ва расмий идоралараро давлат хизматлари кўрсатишда замонавий электрон ҳужжат алмашинуви шаклига ўтишда. Бу ўринсиз сансалорликлар ва ортқиқа вақт йўқотишнинг олдини олишда ўз аҳамиятини кўрсатмоқда. Жумладан,

қурилиш соҳаси ҳам электрон тарзда давлат хизматларидан фойдаланяпти. Буни қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекция инспекторларининг иш фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси мавжуд қурилиш жараёнларини тартибга солади. Ҳар бир объектга инспекция раҳбари томонидан инспектор бириктирилади. У шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг молия-ҳужжал ишларига аралашмасдан назорат ишларини амалга ошириб, рақамлаштирилган электрон давлат хизматларини бажаради.

Инспектор буюртмачининг буюртмасига асосан лойиҳа-смета ҳужжати ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилгандан сўнг объект қурилишини бошлашга рухсат олиш учун Давлат хизматлари марказига электрон ариза билан мурожаат қилади.

Давлат хизматлари маркази қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисидаги хабарномани ҳудудий инспекцияга юборади.

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси қурилиш ишлари бўйича назорат олиб бориш учун шартнома тайёрлайди. Ўн дақиқа ичида Давлат хизматлари марказига оммавий оферта – келишув хабарномасини расмийлаштириб,



ўз фактура-инвойси орқали жўнатади. Объект тўғрисидаги маълумотларни, буюртмачининг техник назоратчиси, пудрат ташкилоти вакиллари тўғрисида электрон "Шаффоф қурилиш" тизимига киритади. Инвойси расмийлаштирилгандан сўнг қурилиш объекти топшириги-

ни шакллантириш учун ҳудудий инспекция раҳбарига юбориши ва ҳулосалар асосида реконструкция ишлари бошланади.

Электрон хизмат кўрсатиш тизими ривожланишга бевосита таъсир ўтказадиган унсурлардан бири. Давлат

хизматларининг тезлашиши ортида фаолият турлари ҳам жадаллашади, ўз навбатида, рақамлаштирилган шаффоф тизимлар иш жараёнларида кузатиладиган коррупция ҳолатларининг олдини олади.

Ўз муҳбиримиз.



“IT-park” технологик саноат зонаси бўлади

Ислом ИБДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” муҳбири.

1952 йил АКШ тасарруфидоги Шимолий Калифорнияда дунёдаги биринчи “IT-park” қурилди. Натигада АКШ инфорацион технологиялар оламида катта ютуқларга эришди. Виз билган “Facebook”, “Apple” ва “Microsoft” компаниялари ушбу лойиҳанинг мевасидир. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда мазкур соҳа ривожини учун катта ҳаракатлар қилиняпти. Айни пайтда пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида республикамиздаги энг катта инфорацион технологиялар маркази – “IT-park” қурилиши давом этмоқда.



Маълумки, юртимизда 2019 йилдан биринчи “IT-park” фаолиятини бошлаган. Бу вақт ичида ўттизга яқин стартаплар кўринишидаги биринчи натижаларини берди, ўнлаб лойиҳаларни амалга оширди, шунингдек, ёшлар орасида ахборот технологиялари соҳасига қизиқиш уйғотиш, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида бир қанча “workshop” ва тренинглар ташкил этилди. Эндилкида 6,3 гектар ҳудудни ўз ичига олган, умумий майдони 360 минг квадрат метрли “IT-park”нинг янги бинолари ишга этилмоқда.

Қўлингиздаги мобил телефон орқали “Google” дастурига одамларнинг илк марта темирдан фойдалангани ҳақида қидирув беринг. Эҳсанга сизиб чиққан ахборотларни ўқиб, темир даври инсониятнинг маданий ривожланишида инқилоб ясаганини биласиз. Ҳатто мана шу телефон ҳам металдан ишланган маҳсулот. Аммо юз эллик грамм саноат метали билан айна шу оғирликдаги телефоннинг нархи орасида жуда катта тафовут бор. Хўш, оддий металл ва телефоннинг фарқи нимада? Биринсининг баҳоси деярли йўқ, иккинчиси эса бир неча миллион сўм. Бу ерда қимматбаҳо бўлган унсур телефоннингиздаги “Google” дастури ва шунга ўхшаш махсус алгоритмлар асосида ишлайдиган дастурлардир. Ҳозир бунёд этилаётган технопарк шундай ахборот технологияларини ишлаб чиқариш маркази бўлади.

“IT-park” коммуникация соҳасидаги компаниялар учун истиқболли бошланғич лойиҳалар тузишнинг ташқи иқтисодий кибержозаси бўлиб, илмий ва таълим ташкилотлари билан интеграциялашган объектлар, бино ҳамда иншоотлар мажмуасидир, – дейди “IT-park”нинг инфорацион ривожлантириш менежери Бехзод Умрзоқов. – Ҳозирда технопаркиннинг шоу-румида қурилиш ишлари бошқичма-бошқич давом этмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида мазкур иншоотнинг биринчи лоти қурилиб, фойдаланишга топширилади. Айтиш жоизки, “Gold step invest” компанияси томонидан ишга этилаётган мазкур замонавий мажмуа қурилиши ўтган йили бошланган эди. Ҳозирда унинг дастлабки 2 та биноси фойдаланишга топширилган. Уларда энг замонавий қулайликлар яратилиб, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган.

Қурилиш давомида бошқичма-бошқич 17 та иншоот, жумладан, 20-25 қаватли офис бинолари, 22 қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади. Бинолар 9 баллдан юқори зилзилага чидамли бўлади. Ер остида 3 қаватли автотураргоҳ қурилади. Мажмуа ҳудудида кафе ва рестороанлар, дуконлар, масжид, спорт майдонлари, дам олиш жойлари ташкил этилади. Бинолар муаллифлик технологиясига асосланган янги турдаги архитектуравий конструкция асосида қурилиб, видеокузатув тизими ҳамда юқори технологияли ёнгин хавфсизлик ускуналари билан жиҳозланади, биноларда 4 тагача лифтлар ўрнатилади.

“IT-park” резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқлар ва божона тўловларидан озод этилган.

Технопарк дастурига кўра, унинг дастлабки лотидаги қурилиш ишлари 2021 йилнинг сўнггида якунланиши керак эди. Аммо лойиҳага киритилгандан доимий ўзгаришлар натижасига мажмуанинг функциялари кенгайтирилиб, қурилиш ишларининг муддати узайтирилди. Умумий режага кўра, мазкур технологик массивнинг тўлиқ қуриб битказилиши 2024 йилга мўлжалланган.

Ўлкамиздаги йирик қурилишларни маҳаллийлаштириш, албатта, жараёнларнинг асосий дастуридир. Бунёдкорлик ишларида маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларининг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. “IT-park” қурилишида юртимизда тайёрланган материаллар билан бир қаторда, экспорт маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланиляпти. Туркия, Россия ва Европа мамлакатларидан ташқи фасад қисмларида, ландшафт ва интерьерларида қўлланиладиган кенг турдаги қурилиш материаллари олиб келинмоқда.

“IT-park” ва унинг атрофида ҳақиқий киберҳаво – замонавий ландшафт кўринишини шакллантириш учун мажмуа жойлашган Мирзо Улугбек туманининг Дўрмон йўли ва Мўминов кўчалари кесиммасидаги йўллар ва аҳоли турар жойлари технопаркиннинг замонавий шаклига уйғун этиб таъмирланди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

“Скорлупа” – қувурлар учун иссиқлик изоляцияси ниқоби

“Скорлупа” қувурлар учун иссиқлик изоляцияси ниқоби – қувурлар учун иситкичнинг янги ва самарали тури ҳисобланиб, турли мамлакатларда саноат ва аҳоли турар жойларини қуришда кенг ишлатилади.

“PANELPLAST” ОҚ қувурлар учун иссиқликни сақловчи ниқоб сифатида – PSB-S 15 ва 25 маркази (Давлат стандарти 15588-86) пенополистиролдан (пенопласта) қилинган пўстлоқни таклиф этади. Маҳсулот икки ва ундан ортқи (қувурнинг диаметрига боғлиқ равишда) узунлиги 2 метр ва қалинлиги 2 дан 10 сантиметргача бўлган ярим цилиндр / сегментдан иборат. Бу нарса энг самарали ва тежамли равишда қувурлар иссиқлик изоляциясини амалга ошириш имконини беради. Пўстлоқ ён томондан қулфга ўхшаган “тиш-тешик” туридаги боғламалар билан тайёрланади, улар мустаҳкам равишда қулфланиб, мустаҳкам маҳкамланишни таъминлайди ва “совуқ кўприк” ҳосил бўлишига йўл қўймайди.

Пўстлоқ йиғилган ҳолда суюқликлар ва газни - 188 С дан + 85 С гача температура чегарасида ҳам ҳаво, ҳам ер ости коммуникациялари орқали етказиб берувчи қувурлар учун иссиқликни сақловчи ниқобни ҳосил қилади. Ниқоб-



ни юқори ҳароратдаги маҳсулотни етказувчи қувурларда (+120 С гача) ҳам ишлатиш мумкин. Бунинг учун қобик сифатида қалинлиги 2-3 см бўлган сиклиланган қолдаги минерал пахтадан фойдаланилади. Ниқобларни хоҳ ташқи томондан қилинган қоплама билан (шиша мато, зар қоғоз, полизол, бикром, рухланган металл), хоҳ қобиксиз қўллаш мумкин. Бетон арик (лоток)ларни ўтказмасдан туриб ҳам, қувурларни иссиқлик изоляциясини амалга ошириш мумкин. Бу кетадиган материал харажатларни анча қисқартиради.

БУНИ БИЛИНГ

Қудуқ қопқоғидаги белгилар нимани англатади?

Ер ости қудуқларининг қопқоғи устидаги белги (ҳарф) орқали унинг қандай қудуқ эканини билиб олиш мумкин.

- Хусусан:
- В – сув таъминоти;
- Г, ПГ – ёнгин гидранти, ер ости ёнгинга қарши гидрант;
- К – маиший ва саноат оқова сув тизими;
- Д – ёмғир суви дренажи;
- ТС – иссиқлик тармоғи;
- ГС – газ тармоғи;
- ГТС, МТС – шаҳар телефон тармоғи;
- МГ – (асосий) газ қувури;
- Т – телефон (телефон тармоғи).



ТУГИЛГАН КҮНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Январь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи **Акбар Ражабов**, Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти мувofiқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Рустам Қўчқоров**, ҳайдовчи **Шухрат Юлдашев**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга роя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Саид Тухтаев**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК бош директори **Мираббос Инонатов**, раҳбар ёрдамчиси **Ёқубжон Бахрамов**,

Жиззах вилояти, Зафаробод тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Хусан Абдиев**,

Қашқадарь вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Жамолддин Тошинов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази кичик мутахассиси **Жанар Арзибаева**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи **Алишер Машарипов**, инспектор **Иброҳим Махаматов**, етакчи бухгалтер **Камила Сабинова**, бош инспектор **Мухриддин Зиёвуддинов**, инспекция бошлиғи **Азиз Эшбаев**, инспектор **Жавоҳир Ғуломов**,

Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига роя қилинишни назорати бўйича архитектор **Асқарбек Раҳматчанов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Равшан Раҳимов**, Қурилиш-саноат лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Фурқат Каримов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийхат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКISTАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарь вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарь вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г143.
2204 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишидан нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – И. Ибодулло.

Ўза якуни – 22.10.
Топширилди – 22.50.